



Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 15 (13.348)

Баҳоси эркин нарҳда

## ХАЛҚ ИЧИГА КИРИБ БОРИБ, ОДАМЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ ҚИЛИШ – ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

**Хабар қилингандек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янада оширишга қаратилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишиш, халқ билан учрашиш ва мулоқот қилиш мақсадида 20 январь куни Қорақалпоғистон Республикасига ташриф буюрди.**

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти сифатида биринчи ташрифни қорақалпоқ заминидан бошлагани муҳим аҳамиятга эга. Бу албатта давлатимиз раҳбарининг Қорақалпоғистонга, қорақалпоқ халқига бўлган юксак ҳурмат-эътиборидан далолат беради.

Шавкат Мирзиёев 2016 йил 10 ноябрь куни Қорақалпоғистон Республикаси Шуманай туманида бўлиб ўтган сайловолди учрашувида: **"Мен нафақат ўзбек халқининг, балки қорақалпоқ халқининг ҳам фарзандиман!"**, деб таъкидлаган эди. Шу билан бирга, ушбу минтақада яшаётган аҳолини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича белгиланган кенг қўламли ишлар ҳақида тўхталиб, жумладан: **"Бундан буён ҳар бир туман ва шаҳарга, керак бўлса, чекка-чекка кишлоқ ва овулларга қариб борамиз. У ерда истиқомат қилаётган одамларнинг дардини эшита-миз, муаммоларини ҳал қилишга қаратилган дастурлар ишлаб чиқамиз ва ижросини қатъий назоратга оламиз"**, деган эди.

Айтиш мумкинки, Қорақалпоғистон Республикасига бугунги ташриф ана шундай эзгу мақсадларнинг, **Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида** белгиланган вази-фаларнинг яна бир амалий ижроси сифатида намоён бўлди.

Маълумки, давлатимиз томонидан яратилган имкониятлар натижасида Қорақалпоғистон Республикасининг иқтисодиёт тармоқлари, sanoat, қурилиш, ахборот-коммуникация технологиялари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳалари ҳам жадал ривожланмоқда. Бугунги кунда ялли ҳудудий маҳсулотнинг қарийб ярми, ҳудудий экспортнинг 75 фоизи хусусий сектор ҳиссасига тўғри келмоқда. Иш билан банд бўлган аҳолининг 75 фоизи айнан шу соҳада меҳнат қилмоқда.

Айни пайтда бу ҳудуднинг мураккаб шароити, Орол денгизи билан боғлиқ минтақада юзага келган экологик офат аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, оила ва маҳалла институтларига эътибор қаратиш, аёллар ва ёшларнинг жамиятдаги ўрни ва макенини ошириш каби бир қатор муҳим масалалар юзасидан кечиктириб бўлмайдиган амалий ишларни талаб этмоқда.

Ана шу мақсадда давлатимиз раҳбари ташриф давомида оддий одамлар билан учрашди, оилаларга кириб, уларнинг турмуш шароитлари билан яқиндан танишди. Халқ билан самимий мулоқотлар бўлиб ўтди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Хўжайли тумани марказий шифоҳонасига ташриф буюрди. Замонавий тиббий техника билан жи-

ҳозланган ушбу муассаса тумандаги 11 кишлоқ врачлик пункти ва 4 поликлиника билан биргаликда 130 мингдан зиёд аҳолига сифатли хизмат кўрсатиб келмоқда.

Саломатлик инсоннинг энг қиммат бойлигидир. Одамларга саломатлигини мустаҳкамлашда ёрдам кўрсатадиган мутахассис энг шарафли касблардан бирининг эгасидир.

Шавкат Мирзиёев шифохонадаги шароит билан танишди, қабул, рентген, диагностика ва қатор бошқа бўлимларни кўздан кечирди. Шифокорлар билан мулоқотда малакали тиббий кадрлар етиштириш, тиббий жиҳозлардан унумли фойдаланиш, хизмат малакасини ошириш, шифохоналар қуришда ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос iklim шароитидан келиб чиқиб масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Шундан сўнг Президентимиз "Муруват" аёллар интернатига бориб, ушбу муассаса фаолияти билан танишди. Шифокор ва ҳамширалар билан суҳбатлашиб, бу масканда яратилган шарт-шароитларни янада яхшилаш учун давлат томонидан ёрдам кўрсатилишини таъкидлади.

Тумандаги 69-мактаб ўқитувчилари билан бўлган мулоқот чоғида мактабларнинг инфратузилмасини яхшилаш, бу ерда лицей ва коллежларнинг бўлишу муносиб ўқувчиларини тайёрлаш ва умуман Ватан равнақи учун малакали кадрлар тарбиялаш ишларини тақомиллаштириш мавзусида сўз борди.

Шавкат Мирзиёев Агросаноат маркази қурилатган участкага ҳам ташриф буюрди. 2017-2018 йилларда ишга туширилиши мўлжалланган ушбу мажмуа 11 гектар майдонни эгаллайди. Бу ерда кишлоқ хўжайлиги маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш, қадоқлаш бинолари, шунингдек, терминал, юк тушириш ва ортиш майдони, музхоналар, иссиқхоналар, боғжона, ангар, меҳмонхона, оёқталаниш муассасаси, спорт мажмуаси каби иншоотлар барпо этилади.

Шу ернинг ўзига Хўжайлида турар-жой инфратузилмасини ривожлантириш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Давлатимиз раҳбари одамлар бошланган ўзгаришларни ўз ҳаётида ҳис қилиши учун жорий йил қарндоғача 40 қўқаватли турар-жой биноси барпо этиш ва фойдаланишга топшириш тўғрисида кўрсатма берди.

Шавкат Мирзиёев "Қорақалпоғистон" кишлоқ врачлик пунктига ҳам бўлиб. Шифокорлар билан суҳбат асосида аҳолининг давлат идораларига ишончини мустаҳкамлашда тиббиёт муассасалари ходимларининг фаолиятини алоҳида ўрин тутуши таъкидланди. Кишлоқ врачлик пунктларини замонавий тиббий жиҳозлар би-

лан бир қаторда дори-дармон ва бошқа зарур ашёлар билан таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Президентимиз Шуманай тумани Жумабой Бозоров номидаги болалар мусиқа ва санъат мактабига ташриф буюрди. 211 ўқувчи таълим олаётган бу даргоҳда миллий мусиқа асбоблари, фортепьяно, хореография, тасвирий санъат каби ўндан зиёд йўналишда дарс ўтилади. Муассаса очилганига аттиги бир неча йил бўлганига қарамай, унинг ўқувчилари қатор танловларда, хусусан, 2 марта мамлакатимиз миқёсида ўтказилган кўриқда биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди.

Мактаб ўқитувчилари ва ўқувчилари билан мулоқот чоғида жамоатчилик вакиллари Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислам Каримов ёш авлодни жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол этиб вояга етказишга алоҳида эътибор бергани, Президентимиз Шавкат Мирзиёев у кишининг бу борадаги хайрли ишларини изчил давом эттириётганини таъкидлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев "Агросервис МТП" масъулияти чекланган жамиятининг Қанлиқул тумани филиалида ҳам бўлиб, баҳорги дала ишларига пухта тайёргарлик кўриш ҳақида фикрлашди. Туманда пахта майдонини босқичма-босқич қисқартириб, чорвачиликни ривожлантириш бўйича кўрсатмалар берди.

Қаниқул педагогика коллежидан бўлган мулоқотда Президентимиз коллеж мутахассисликларини замон талабига мос равишда ўзгартириш, туман иқтисодий-ижтимоий ҳаёти учун зарур кадрлар тайёрлаш кераклигини таъкидлади. Илмий, бадиий адабиётларни қорақалпоқ тилига ўғиратиш, чоп этиш ва таълим масканларига етказиб бериш бўйича тавсиялар берди.

Давлатимиз раҳбари Кўнгирут – Мўйноқ ичимлик суви тармоғи қурилиши бошлангани билан танишди. 101 километрлик ушбу сув тармоғи ишга туширилгач, бир кеча-кундузда 7 миң куб метр сув узатиш ва 25 миңдан зиёд аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш имконияти яратилди.

Нукус шаҳрида Қорақалпоғистон Республикаси фаоллари билан учрашу бўлиб ўтди. Йилгишда Қорақалпоғистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароитлари яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қорақалпоғистон Республикасига ташриф давом этмоқда.

**Анвар БОБОЕВ,**  
**Анвар САМАДОВ,**  
**ЎЗА махсус муҳбирлари**



## ЎЗБЕКИСТОН – КЎПМИЛЛАТЛИ ЮРТ

**Инсониятни бирлаштириб, тинч-тотув яшашга ундовчи олий қадриятлардан бири бағрикенгликдир. Бу ўзининг қанчалар ҳурмат қилсанг, ўзингга нимаики яхшиликни соғинсанг, ўзгаларга ҳам шуларни раво кўриш дегани. Халқимизнинг бағрикенглиги дунё халқларининг таҳсинию эътирофига сазовор. Ўзбекистонда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари аҳил, иноқ умргузаронлик қилишининг замирида қонун устуворлиги, ҳар бир инсоннинг ҳақ-ҳуқуқ ва эркинликлари қаноқлангани, қолаверса, меҳмондўст, очикқўнгли халқимизнинг ҳиммати ётибди.**

Асрлар давомида халқимиз билан ёнма-ён, елкама-елка яшаб келаятган, тили, тарихи ва маънавий қадриятларида муштараклик мавжуд туркман миллатига мансуб ватандошларимизнинг ҳам мамлакатимиз тараққиёти ва равнақи йўлидаги ҳиссалари бекиёс. Зотан, Ўзбекистонни Ватани, ўзбекларни жон-жигари деб билувчи туркман дўстларимиз хамиша эъзода. Уларнинг ўзига хос аънавалари, тили ва маданиятининг соф ҳолда сақлашга интилишлари инобатга олиниб, мустақиллигимизнинг илк йилларида ҳам мамлакатимизда Республика туркман маданият маркази тузилди.

Ўзбекистон ва Туркменистонда миллатларо ҳамжиҳатлик, тарихий ватани ҳудудидан ташқарида истиқомат қилаётган барча халқларнинг вакилларига нисбатан ҳурмат таъминланмоқдаки, бу ҳар икки мамлакатда яхши аънамага айланаб қолган. Ўзбекистонда қарийб 170 миң нафар туркман яшайди. Туркман миллатига мансуб 8 миңдан зиёд бола туркман тили ўқитилганидан 46 мактабда таҳсил олмақда. 24 мактабда тўлиқ туркман тилида таълим берилади. Мамлакатимизда Республика туркман маданият марказининг етти та бўлими иш олиб бормоқда.

Икки мамлакат халқлари ўртасида тарихан таркиб тоналган дўстона алоқалар замиридан маданиятларнинг муштарақлиги, бир-бирини тўғри тушуниш ва ўзаро ишонч ташкил этади. Йилгирма беш йиллик фаолиятининг бош мезонини ана шундай эзгу мақсадга қаратган Республика Байналмилал маданият марказининг миллатларо тинчлик ва тенгликни сақлашдаги ўрнини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ўзбекистонга ўттиз йил аввал кўчиб келганмиз, – дейди ЎЗА муҳбирига пойтахтимизнинг Чилонзор туманида яшовчи Гулноз Бозорова. – Шу юртда таҳсил олдим, оила қурдим, фарзандларим ҳам шу ерда вояга етмоқда. Ўзбекистонни Ватаним деб биламан. Бағрикенг Ўзбекистонда барча миллат вакиллари қатори туркманлар ҳам юксак ҳурмат ва эъзода. Турк-

ман миллатига мансуб Ўзбекистон фуқаролари учун махсус таълим муассасалари ташкил этилган. Туркман миллий урф-одат ва аънавалари қадриятларидан жуда миннатдоримиз.

Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасида маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Бу борада икки давлат ҳуқуқматлари ўртасида маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик дастурлари доирасида мамлакатларимиз маданият ва санъат намояндалари Ўзбекистонда ва Туркменистонда ўтказилаётган турли концертлар, фестивал ва кўриқлар, кўрғазма ва форумларда фаол иштирок этмоқда. 2009 йилги "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалида туркменистонлик хонанда Лале Бегназарова Гран-при соҳиб бўлган, 2011 йилдаги фестивалда "Галлячиш" иккунчи гуруҳи учинчи ўринни эгаллади.

Мамлакатимиздаги Туркман маданият марказининг Қорақалпоғистондаги филиали қошида туркман тилидаги "Айдин йўл" газетасининг нашр этилишидан қувондик, – дейди Туркменистоннинг "Дунё адабиёти" журналі маъсул котиби Екатерина Гелдимурадова. – "Орузу" мусиқа-рақ ансамбли фаолият юритаётгани эътиборга молик. Марказ томонидан ташкил қилинадиган туркман миллий амалий санъати ва маънавий буюмлари, машҳур туркман гилалари, туркман расмларининг асарлари кўрғазмалари барчамизда бирдек катта қизиқиш уяғотди.

Кўпмиллатли халқимиз шу тўпмоқ тақдир ва равнақи йўлида бирдек, астойдил меҳнат қилаётганини боиси – уни Ватан атайдик, Ватанини севадик. Бош қомусимизда акс этганидек, мамлакатимизда истиколат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва аънавалари ҳурмат қилинаётгани, уларнинг ривожланиши учун барча шароит яратилаётгани тўғрисидаги тинчлик, тотувлик ҳуқуқини. Халқимизнинг бирдамлиги "Куч – бирликда" деган ҳаётий даъватининг исботидир.

**Севара АЛИЖОНОВА**

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛМОҚДА

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимида "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги қонун ижросини ўрганишга бағишланган йилги бўлиб ўтди.**

Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари С.Отамуродов, Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси И.Абдуллаев, халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Б.Доннироқов ва бошқалар "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги қонун таълим соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш учун ҳуқуқий ва ташкилий-техник шароитларни яратувчи фундаментал ҳужжат ҳисобланиб, ахборотлаштириш жараён-

ми вазирлигининг марказий аппарати ва вазирлик тизимида қирувчи 19 ташкилот ва муассасанинг фаолиятини таҳлил қилди.

– Андижон ва Навоий вилоятларида бўлиб, умумтаълим мактабларида ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилиши ҳолатини ўргандик, – дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Гулшана Худойёрова. – Ўқитувчи-педагогларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асослари ҳақида мукаммал билимга эга эмаслиги соҳада турли камчиликларни келтириб чиқармоқда. Улар ўқувчиларга ахборот соҳасига доир зарур кўрсатмаларни етарлича беролмаяпти.

Депутатлар "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги қонун ижросини ўрганиш жараёнида Халқ таълиминини яхлит ва тизимли тартибга солишни самарали ташкил этишга қаратилганлигини алоҳида таъкидлади.

Депутатлар "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги қонун ижросини ўрганиш жараёнида Халқ таъли-

*(Давоми 2-бетда)*

ли ишлар амалга оширилаяётгани таъкидланди.

• Бухорода Ўзбекистон Республикаси солиқ ва бюджет сиёсатининг 2017 йилги асосий йўналишлари қабул қилингани муносабати билан солиқ қонунчилигига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар мазмун-муҳиятини тадбиркорлик субъектлари ҳамда кенг жамоатчиликка етказишга бағишланган кўрғазмали семинар бўлиб ўтди.

• Нукусда 2016 йил яқунлари ва 2017 йилда Қорақалпоғистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришининг асосий йўналишларига бағишланган фаоллар йилги бўлиб ўтди.

• Жиззах вилоятидаги "Қалб нури" хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази томонидан 2016 йилда тоғли ҳудудлар-

даги 100 нафар хотин-қиз касб-хунарга бепул ўргатилди.

• Кармана туманидаги "Кармана Ал-Азиз Авиценна" масъулияти чекланган жамиятида замонавий технологиялар асосида табиий гиёҳларни қуритиш ва қадоқлаш йўлга қўйилди. Тадбиркор Шохруҳ Шаропов раҳбарлик қилаётган корхонада 7 киши иш билан таъминланди.

## ЖАҲОНДА

• Францияда биринчи тур Президент сайловларидан сўнг социалистлар вакиллари Бенуа Аман ва Мануэл Вальс энг кўп овоз олганлари ҳолда праймеризнинг иккинчи турда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

• Нью-Йорк шаҳридаги Ла-Гуардиа халқаро аэропортида бахтсиз ҳодиса рўй берди.

Маълумотларга кўра, учир-кўниш йўлаги томон ҳаракатланаётган самолётнинг қаноти қўтилмаганда ёнилга ташийдиган машинага тегиб кетган. Уша вақтда унинг бортида 129 нафар йўловчи бор эди. Воқеа учувчининг айби билан юзага келгани айтилмоқда. Воқеа натижасида ҳеч ким жабрланмаган.

• Белоруссияда саккизта мамлакатдан ташриф буюрган "морж"лар ўртасида очик ҳавода қишки сузиш мусобақалари бўлиб ўтди. Таъкидлаш жоизки, Белоруссия қишки сузишни спорт тури сифатида қабул қилган дунёдаги ягона мамлакат ҳисобланади.

• Торнадо ҳуружи натижасида АКШнинг жануби-шарқий қисмида камида 18 киши ҳаётдан кўз юмди.

• Таъмирлаш ишларидан сўнг Миср пойтахти Қоҳира шаҳрида жойлашган Ислам санъати музейи ўз фаолиятини бошлади.

**XXI саҳоси**  
Бирча манбалардан олинган суҳбат ва хабарлар

**МАМЛАКАТИМИЗДА**

- Самарқандда Ўзбекистон Республикаси Байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 25 йиллиги муносабати билан маданий-маърифий тадбир ўтказилди. Вилоятдаги миллий маданият марказлари, диний ташкилотлар ходимлари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этган тадбирда мамлакатимизда миллатларо тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини янада мустаҳкамлаш борасида кенг қўла-







Бу дунёнинг бегубор бойлигисан болажон

2016 йил - "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида "ЭКОСАН" халқаро жамоат фонди ўз фаолиятида, асосий молиявий маблағи корхона ва ташкилотлардан туширилмайдиган хайрия тушумлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий хайриялари, давлат, нодавлат ва халқаро ташкилотлар, хорижий давлатлар ажратадиган грантлардан иборатлигиндан келиб чиқиб, ҳомий ва ҳамкорларни жалб қилган ҳолда, 5 банддан иборат "Мақсадли дастур"ини боқичима-боқич амалга оширди.

— Дастурнинг аҳоли ўртасида экологик маданиятни шакллантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, атроф табиий муҳит билан уйғунликда муносабатда бўлиш бўйича "ЭКОСАН" фонди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кўнунчилик палатаси Экоҳаракат депутатлари ва бир қатор ҳамкорлар иштирокида "Анъаналарни тикла - дарахт эки" ва "Хар бир ёшга - бир ниҳол" экологик акциялари доирасидаги давра суҳбатлари билан бирга, Тошкент шаҳридаги 22-Меҳрибонлик уйи, Учтепа туманидаги 287-ва Шайхонтоҳур туманидаги 84-умумтаълим мактабларида 25 тупдан дарахт кўчатлари ўтказилди. — дейди фондининг бўлим бошлиғи Мирқарим Мирсовуров. — "ЭКОСАН" фондининг фаол иштирокида "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон "Экоҳаракат"и ва бир қатор нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамкорлигида, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясида, маҳаллаларда "Экология ва табиати муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш комиссияларининг роли" "Маҳалла" телерадиоканалида ҳамда Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур туманидаги 484-мактабга таълим муассасасида "Хай-вонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш" мавзусларида давра суҳбатлари, телекурслар ташкил қилинди.

Фонд "Баркамол авлод" Республика болалар ўлкашунослик ва экология маркази билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланган "Ғўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шiori остида "Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришда экологик маданиятнинг ўрни" мавзусида давра суҳбати ва экологик расмлар Республика таловини ўтказди. Фондининг фаолигида, Ўзбекистон Бадий академияси, К.Бехзод номли Миллий рассомлик ва дизайн институти ҳамда бошқа ҳомий ва ҳамкорлар иштирокида "Биринчи Президентим" деб номланган фото, дизайн, амалий санъат ва плакатлар йўна-

лишларидаги кўрик-танлов уюштирилди. Фолиб ва совриндорлар, жумладан, Гран-при соҳиблари "ЭКОСАН" фондининг дипломи ва совринлари билан тақдирландилар. Ушбу олийгоҳ билан ҳамкорликда ўтказилган анъанавий "Биз бунёдкор ёшларимиз - иллатларга қаршимиз!" кўрик-танловиди ҳам ўз соғвалари билан иштирок этди. Шу мавзуда Тошкент Педиатрия-тиббий институти ва Яққасарой маънавий хизмат кўрсатиш коллежида ўтказилган давра суҳбатларида ушбу кўрик-танловлар репродукциялари намойиш

да яшовчи уруш ва меҳнат фажрийлари ва ногиронлар иштирокида, ҳокимликлар, "Маҳалла" ва "Нуруний" жамғармалари ҳамкорлиги ва фаолигида, 6 та маданий-маърифий ҳамда хайрия тadbирлари ўтказилиб, 150 нафар уруш ва меҳнат фажрийлари ва ногиронларга (жами 7,4 млн. сўмлик) ногиронлар аравачалари, эшитиш мосламалари ва шахсий гигиена воситалари, кўрпа-тўшак ғилофлари хайрия сифатида топширилди.

Фонд томонидан "ЭКОСАН - маҳаллада" дастури доирасида Наврўз умумхалқ байрами ва Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган "Кексаларни эъзозлаш - хар биримизнинг бурчимиз" мавзусидаги хайрия тadbирларида, Ўзбекистон фажрийларини ижтимоий кўллаб-қувватлаш "Нуруний" жамғармаси ва Юнусобод туманидаги "Шаҳристон" маҳалла фаоллари ҳамкорлигида уруш ва меҳнат фажрийларига хайрия соғвалари топширилди, Тошкент шаҳри Юнусобод туманидаги "Янгиарик" ва Яшнобод туманидаги "Дўстобод" маҳалла фуқароларига ногиронлар аравачалари ҳамда Янги 2017 йил байрами арафасида Ўзбекистон кўзи оғизлар жамиятининг Яққасарой бўлими ва Тошкент шаҳар Ижтимоий ўзаро ёрдам "Меҳрибонлик" ногиронлар жамияти ногиронларига 11,3 млн. сўмлик ногиронлар аравачалари, кўрпа тўшак ғилофлари, гигиеник воситалар топширилди.

"ЭКОСАН" фонди томонидан аҳолига сифатли табиий хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида, Республика Реабилитация маркази, Тошкент шаҳридаги 5-сон юкумили касалликлар клиник шифонасида "Соғлом турмуш тарзини шакллантиришда экологик маданиятнинг ўрни" мавзусида давра суҳбатлари ва хайрия тadbирлари ўтказилди. Қорақалпоғистон Республикаси тиббийет муассасалари ва аҳолисига ногиронлар аравачалари, хасса, катталар ва болалар учун қўлтиктаёқлар хайрия сифатида "ЭКОСАН" фондининг бўлими орқали топширилди. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли ва Чимбой Муруват уйлари, Фарғона вилояти Қўқон шаҳар Муруват уйи, Қашқадар вилояти Яққабоб Саховат уйи ва Жиззах вилояти Зомин Муруват уйларида хайрия тadbирлари ўтказилиб, кўмак кўрсатилди.

Бугунги кунда "ЭКОСАН" фонди 2017 йил - "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастури билан ҳаммоҳон ҳолда ўз фаолиятини самарали амалга ошириш бўйича режаларини белгиламоқда.

Дилшод ИСРОИЛОВ ёзиб олди

"ЭКОСАН"НИНГ МАЪРИФИЙ ВА МЕХР-МУРУВВАТ ТАДБИРЛАРИ

этилиб, тарбиявий ва экологик маданиятни шакллантириш фаолиятида умумий фойдаланилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридида жамоат фондининг Давлат гранти доирасида "ЭКОСАН" фонди "Муруват" уйларида яшовчи қарияларга кўрсатиладиган хизматлари сифати ва даражасини юксалтириш ижтимоий буюртма (140 млн.сўм) ҳамда "Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур ва Чилонзор туманларида яшовчи 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фажрийлари, ёлғиз қариалар ва ногиронларни маънавий ва моддий кўллаб-қувватлаш" (14,5 млн.сўм) лоийҳаси ижросини амалга оширди. Ижтимоий буюртма доирасида Қорақалпоғистон Республикаси (Чимбой ва Хўжайли), Жиззах вилояти (Зомин), Қашқадар вилояти (Яққабоб) ва Фарғона вилояти (Қўқон) "Муруват" уйларига мўқбил энергия манбаларига асосланган 1,5 квт. қуёш фотоэлектрик станциялари ва 200 л. қуёш сув иситиш коллекторлари ўрнатилди ҳамда 14 та санат тикув машиналари "Муруват" уйларида топширилиб, 3 та кичик тикув цехлари ташкил қилинди. Давлат гранти доирасида Чилонзор ва Шайхонтоҳур туманлари-

"102" ХАБАРЛАРИ

Орамизда қинғир ишнинг қийғи чиқиши аниқлигини баъзида унутиб қўядиганлар ҳам топилади. Мўмай даромад топиш, енгил ҳаёт илинжиде жиноят йўлига қираётганларнинг қирдиқорлари ички ишлар ходимларининг саъй-ҳаракатлари билан аниқланиб келинмоқда. Мана шундай воқеаларнинг айримлари билан сиз ўқувчиларни таништириб ўтаск.

3 январь куни соат 21.30 да, Чилонзор туманида яшовчи А.Э. ва 1990 йилда таваллуд топган Шайхонтоҳур туманида яшовчи А.Э. ва 1990 йилда таваллуд топган Шайхонтоҳур туманида яшовчи Қ.В.лар У.Ф.га тегишли бўлган "Спарк" автоуловининг ҳайдовчи эшиги кулфини бузиш йўли билан очиб, салонидан 900.000 сўм пулини ўғирлаб, воқеа жойидан яширинишда вақтида шу ерда хизмат олиб бораётган ички ишлар органлари ходимлари томонидан ушланган. Далилий ашё сифатида пул олинган. Туман ИИБ томонидан ЎЗР ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми билан жиноят иши кўзгатирилган.

бўлган. Мазкур ҳолат юзасидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 166-моддаси 2-қисми ва 227-моддаси 2-қисми билан жиноят иши кўзгатирилган. Олиб борилган тезкор тadbир натижасида ушбу жиноятни 1997 йилда тугилган Олмазор тумани, Уста Ширин қўчасида яшовчи З.Н. ва 1996 йилда таваллуд топган Юнусобод-18 да яшовчи К.С.лар томонидан содир этилганлиги аниқланиб, ушланган.

Сергели туманида 8 январь куни соат 14.15 да Янги Сергели қўчасида жойлашган "Мўғжиза" тўйхонаси олдиде, 1980 йилда тугилган Шайхонтоҳур туманида яшовчи А.Э. ва 1990 йилда таваллуд топган Шайхонтоҳур туманида яшовчи Қ.В.лар У.Ф.га тегишли бўлган "Спарк" автоуловининг ҳайдовчи эшиги кулфини бузиш йўли билан очиб, салонидан 900.000 сўм пулини ўғирлаб, воқеа жойидан яширинишда вақтида шу ерда хизмат олиб бораётган ички ишлар органлари ходимлари томонидан ушланган. Далилий ашё сифатида пул олинган. Туман ИИБ томонидан ЎЗР ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми билан жиноят иши кўзгатирилган.

маротаба ва қорин қисмига бир маротаба тан жароҳати етказганлиги аниқланиб, ушланган. Натижада Т.Р. "кўкрак қафаси ва қорин бўшлиғи санчилик-кесилган жароҳати" ташхиси билан касалхонага ётқизилган. Туман ИИБ томонидан ЎЗР ЖКнинг 104-моддаси 1-қисми билан жиноят иши кўзгатирилган.

Юнусобод туманида 10 январь куни соат 15.45 да, 1977 йилда тугилган, ишламайдиган, шу туманда яшовчи А.И. ва 1976 йилда таваллуд топган, ишламайдиган Т.У.лар, "Юнусобод" деҳон бозорида 1985 йилда тугилган Л.Т.нинг суммасидан 2.663.000 сўмлик "Samsung Galaxy Grand" уяли телефон аппарати-ни ўғирлаб, воқеа жойидан яширинишда бўлган вақтида ички ишлар органлари ходимлари томонидан далилий ашё билан ушланганлар. Туман ИИБ томонидан ЎЗР ЖКнинг 169-м. 2-қ. билан жиноят иши кўзгатирилган.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси матбуот хизмати хабарлари асосида тайёрланди

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

БАРЧА МАНФААТДОР ШАХС ВА КРЕДИТОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Янги Олмазор қўчаси, 1-а уйл манзилида жойлашган "Galenika" масъулияти чекланган жамияти (ХХТУТ тармоқ коди 19310, СТИР 204026307) Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Т.Шевченко қўчаси, 23-уй манзилида жойлашган С.К.Исламбеков номили (ХХТУТ тармоқ коди 19310 СТИР 204026307) "O zkinoyofarm" акциядорлик жамиятига қўшиб олинади. Барча давлолар Тошкент шаҳри, Янги Олмазор қўчаси, 1 а манзилига мазкур эълон чоп этилган кундан бошлаб 30 кун давомиде қабул қилинади.

"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ "Тошкент оқшоми" газетасининг 18.01.2017 йилдаги № 12(13.345) сониде чоп этилган эълондаги "2017 йил 20 февраль куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига Тошкент шаҳар Яшнобод тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 25.05.2015 йилдаги №10-1501/6357-сонли ижро варақасига асосан хатланган Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, С.Машҳадий қўчаси, 210-уй манзилида жойлашган, умумий майдони 449 кв.м., бошланғич баҳоси бундан кейин 832 459 000 сўм" деб ўқилсин.

"AUTO GARANT BUSINESS" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси боқичима-боқичи ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлик етади!

2017 йил 28 февраль куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қуйидаги автотранспорт воситалари қуйилимоқда:

- Тошкент шаҳар Миробод тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 14.06.2016 йилдаги № 10-1604/8625-сонли ижро варақасига асосан хатланган: 1. 2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 870 ТТС бўлган техник носоз "Нексия ДОНС" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 27 000 000 сўм. 2. 2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 871 ТТС бўлган техник носоз "Нексия ДОНС" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 27 000 000 сўм. 3. 2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 874 ТТС бўлган техник носоз "Нексия ДОНС" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 27 000 000 сўм.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро қўчаси, 10-уй манзилида бўлиб ўтади.

Юқоридеги автотранспорт воситалари ва мол мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни хар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гаче қабул қилинади.Аризаларни қабул қилишининг охири мuddати 2017 йил 24 февраль куни соат 16:00. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган зақалат пулини тўлов ҳужжатиде ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда хар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибиде савдо ташкилотчиси - "Auto Garant Business" МЧЖнинг "ASIA ALLIANCE BANK" АТБ Мирзо Улуғбек тумани филиалида қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 2020 8000 9048 8730 5001, МФО: 01103, СТИР: 301 829 604. Аукцион фолиби сотиб олган автотранспорт воситаси қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалиғиче тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро қўчаси, 10-уй. www.agb.uz. Телефон: (371) 233-61-44, (95) 146-61-44.

Гувоҳнома 004593.

ФАВҚУЛОДАДА ВАЗИЯТЛАР ОЛДИНИ ОЛИШ - ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиғиде Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимининг йиллик мажлиси бўлиб ўтди. Унда 2016 йил якунлари сарҳисоб қилиниб, 2017 йилдаги устувор вазифалар белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 23 декабрда қарорига мувофиқ ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими бугунги кунда 40 дан ортик вазирик, идора, ташкилот, муассаса ва компанияларни бирлаштириб, табиий ва техноген тусдаги офатлар оқибатларининг олдини олиш ҳамда уларга қарши курашишда давлат бошқаруви органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни таъминламоқда.

Мажлисда зилзилалар оқибатида пайдо бўладиган табиий ва техноген фавқулодда вазиятларда аҳолини тўғри ҳаракат қилишга тайёрлаш бўйича амалга оширилган дастур натижалари кўриб чиқилди. Дастур ижросини таъминлаш доирасида таълим, тиббиёт ва маданият муассасалари, давлат ташкилотларида Фуқаро муҳофазаси кўнари, махсус тактик-ўқув машғулотлар, семинар ва тренинглр ўтказилди.

Шунингдек, "Еш қутқарувчи" клублари фаолиятини тарғиб этиш ва ривожлантириш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Ҳозирги кунда ушбу клубларда 34 мингдан ортик киши бу борадаги кўникмаларни эгалламоқда.

Бундан ташқари, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан хавфли гидротехнолоогик ва геологик ҳодисалар юз бериши эҳтимоли бор ҳудудлар текширилди. Тоғларда қор ҳажми, баланд тоғларда жойлашган қўллар ҳолати ҳамда сел оқишларининг йўнарилишларини аниқлаш мақсадида еттига аэровизуал қурастулар ўтказилди. Тадқиқот натижалари асосида аҳоли ва иктисодиёт объекти хавфсизлигини таъминлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб амалга оширилди. Автотранспорт, замонавий алоқа воситалари билан таъминланган вилоят ва туман тезкор штаблари тизилди. Вазирлик механизациялашган отрядларнинг таъбирларлик даражаси кучайтирилди, ёқилғи-мойлаш материаллари захираси яратилди, кенчандуз ишлайдиган навбатчилик тизими ташкил этилди. Шунингдек, 69 назорат-қузатув постлари тизилиб, қирғоқлари мустаҳкамлаш ишлари амалга оширилди.

2016 йилда уяли алоқа операторлари об-ҳаво шароитлари ва юз бериши мумкин бўлган фавқулодда вазиятлар тўғрисида аҳолини хабардор қилиш мақсадида мунтазам равишда SMS-хабарномалар юбориб турди. Шу билан бирга, ўтган йили ўтказилган 27 кўмондонлик-штаб ва 317 махсус тактик-ўқув машғулотларида 302 мингдан зиёд киши қатнашди ва 7 мингта махсус техника жалб этилди. Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг авария-қутқарув отрядлари фуқароларга амалий ёрдам кўрсатиш ва уларни қутқариш мақсадида жойларга уч мингдан зиёд чиқишлар ташкил қилди. Ўтган йили вазирликнинг барча отрядлари замонавий пневмоёстиқлар ва ақваланг аппаратлари билан таъминланди.

Йигилишда 2017 йилнинг долзарб вазифалари белгиланди.

Роман БОНДАРЧУК, Ўза мухбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ПОЙТАХТИМИЗ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан 2017 йилнинг "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" деб эълон қилинганлиғи муносабати билан барча коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари қатори, "Тошкентшаҳаргаз" филиали томонидан ҳам табиий газ истеъмолчилари билан яқиндан учрашувлар ташкил қилиб, газ етказиб бериш бора-сидеги мавжуд муаммоларни жойида ҳал этиш режалаштирилган. Шу сабабли, 2017 йил январь ойи бошидан Тошкент шаҳри табиий газ истеъмолчилари хонадонлариде хатлов ишлари олиб борилмоқда.

Сиздан ушбу хатлов жараёнида фаол қатнашиб, мавжуд муаммоларни ҳал этишда биргалиқда ҳаракат қилишингизни сўраймиз.

"ТОШКЕНТШАҲАРГАЗ" ФИЛИАЛИ МАЪМУРИЯТИ



Тошкент шаҳрида 24 январь куни ҳаво ўзариб туради, ёлғизчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Шарқдан селинган 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси 5-7 даража совуқ, кундузи 1-3 даража илқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати мавлумотиға кўра, 24 январда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитиде зарарли моддаларини бир оз тарқалиб кетишига имкониёт яратида, ифлосланши даражаси паст бўлади.

TOШКЕНТ ОҚШОМИ Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55. 2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан руйхатга олинган. Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаамтига» - 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказиде терилди ва саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Бош муҳаррир Ақмал АКРОМОВ. Нашр учун масъул О. Ҳазратов. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 12125 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2. Тошпириш вақти: 13.00. Босишга топширилди: 14.20. МАУССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ